

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"**

**№ ВМ-343-53409-3.15**

**"1" июль 2003 й.**

**"ТАСДИҚЛАНДИ"**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий ва ўрта махсус**

**таълим вазирлиги**

---

**"8" июль 2003 й.**

**БОШҚА ТАРМОҚЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ  
ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ  
фанидан  
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"**

**таълим соҳасидаги 5340900 - "Бухгалтерия**

**ҳисоби ва аудит" бакалавриат йўналиши учун**

**Тошкент - 2003**

**Тузувчилар:** доц. Хасанов Б. А.,  
к.ўқ. Қўзиёв И. Н.,  
к.ўқ. Боқиева Ҳ. А.

**Тақризчилар:** проф. Воҳидов С. В.,  
доц. Маматов З. Т.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ 2001 йил 16 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 343-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида Давлат таълим стандартлари тасдиқланди. Давлат таълим стандартларининг ишлаб чиқилиши билан ҳар бир фан бўйича янги шаклдаги дастурлар тайёрлаш заруриятини туғдирилди. "Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари" фанини талабаларга ўқитишнинг зарурияти шундаки, республикамизда бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартлари асосида иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва транспорт ташкилотларида ташкил этилиши ва юритиш тартиб-қоидаларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишни тақозо этмоқда.

"Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари" фани бўйича тузилган ушбу дастур Олий таълимнинг бакалаврлар тайёрлаш савияси ва мазмунига қўйилган барча талабларга жавоб беради. Унда қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва транспорт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятларини ўзида акс эттирадиган 6 та бўлим ва 15 та мавзу мавжуд.

Дастурда, "Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари" фанининг мақсади, вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси, Давлат таълим стандартига мувофиқ билим ва кўникмалар, амалий ва семинар машғулотлар бўйича ишларнинг минимал миқдори, компьютерда инфор­мацион технологияларни қўллаш, фан дастури, амалий ва семинар машғулотлари, тавсия этиладиган мавзулар бўйича кўргазма намойиш материаллари, ўқув фильмлар ва бошқа дидактик материаллар рўйхати, талабаларнинг рейтинг асосида баҳолаш бўйича ўзлаштиришнинг назорати ҳамда адабиётлар рўйхати ўз ифодасини топган.

Во исполнение закона "Об образовании" и национальной программы по подготовке кадров было принято постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №343 16 августа 2001 года. В связи с этим по разработке Государственных Стандартов образования появилось необходимость подготовить

программы нового поколения по каждому предмету необходимость преподавания студентам предмета.

Изучение курса "Особенности бухгалтерского учета других отраслей" должно сопровождаться с учетом особенностей строительства, торговли, сельского хозяйства и транспортной сферы.

В этой программе в 6 частях и 15 темах отражены особенности бухгалтерского учета в вышеназванных отраслях.

В программе освещаются цель, задачи, взаимосвязь с другими предметами, соответствующие знания и практика по государственному стандарту образования, минимальные работы по практическим и семинарским занятиям, применение компьютерной информационной технологии, программа предмета, практические и семинарские занятия, список познавательных фильмов и других дидактических материалов, особенности контроля успеваемости студентов на основе рейтинговой системы и использование различных литератур.

By the law "On formation" and national program on preparing a personnel (frames) was accepted resolution Kabinet of Ministre Repablik of Uzbekistan №343 16 august 2001 year. On the base of this resolution was designed State Standard of formation developping State Standard on has appear need to prepare the programs of the new form on each. need of teaching to students a subject.

Particularities of Accounting other branches is in that that, due be teach particularities of account in branches a construction, trading an agriculture and forming the transport institutions.

In this program in 6 parts and 15 that are reflect particularities of accounting in the construction, agriculture, trade and transport institutions.

In "Particularities of branch accounting" is conclude purpose, task, with other subjects, corresponding knowledges and practice on the state standard of formation, minimum work on practical and семинарным to occupations, using a computer information technology, program of subject, practical and occupation, showing the material on recommend subjects, cognitive film list and other didactic material a checking students on the base system and using the different literature.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

## 1. СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим-тарбия ва кадрлар таёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида"ги Фармонида (06.10.97) "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 август 343-сонли Қарорига мувофиқ Давлат таълим стандартлари тасдиқланди. Мазкур стандартлар бўйича ҳар бир ўқитиладиган фандан дастурлар тайёрлаш зарурияти туғилди. "Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари" фани бўйича тузилган ушбу дастур қўйилган барча талаблар асосида тайёрланган бўлиб, "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" йўналишидаги талабалар учун қўлланилади.

### **Ўқитишнинг мақсади ва вазифаси ҳамда бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги**

Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар иқтисодиётимизнинг саноат ишлаб чиқариши билан бир қаторда унинг туб негизини ташкил этувчи соҳаларда ҳам ўз самарасини бермоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо ва транспорт тармоқларида бошқарувни самарали ташкил этиш учун улардан олинаётган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлашда бухгалтерия ҳисобининг роли ниҳоятда каттадир.

Бошқача қилиб айтганда, бухгалтерия ҳисоби иқтисодиётимиз турли соҳаларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ва мулкӣ ҳолати ҳақида тўлиқ маълумот беради. Бу маълумотнинг ишончлилиги хўжалик юритувчи субъектлар бошлиқларига хўжалик фаолиятини бошқариш бўйича муҳим қарорлар қабул қилишда ёрдам беради.

Ўқув режасига мувофиқ "Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари" фанини ўқиш жараёнида талабалар иқтисодиётимизнинг турли жабҳаларидаги, яъни қишлоқ хўжалиги (аграр соҳа), қурилиш, савдо ва транспорт соҳаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, уни юритишнинг ўзиги хос жиҳатларини ва хусусиятларини ўрганадилар. Улардаги маблағлар ва маблағларни ташкил топиш манбаларини, ҳужжатлаштириш тартибини, молиявий натижаларни шакллантириш ва ҳисоботлар тузиш бўйича амалдаги Қонун ва қарорлардан ҳамда меъёрий ҳужжатлардан фойдаланади. Шу билан бирга бухгалтер ва аудиторлар иқтисодий вазиятларда тез ва хатосиз мўлжал олиш, бозор иқтисодиётининг тенденцияларини тушунишлари зарур.

Талабалар ўқув дастурига мувофиқ асосий йўналишдаги фан сифатида "Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари" фанини чуқур ўрганадилар. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ҳалқаро

амалиётдан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиш ва юритишни ўрганиш асосий вазифа қилиб қўйилади. Талабалар учун бу фанни ўрганишда "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асос қилиб олинади. Шунингдек, фанни ўрганишда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорлар ва қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ҳамда иқтисодий адабиётлардан кенг фойдаланилади. Фанни ўрганиш қуйидаги фанлар бўйича билимга эга бўлишни тақозо этади: "Иқтисодиёт назарияси", "Макроиқтисодиёт", "Микроиқтисодиёт", "Статистика", "Аудит", "Молиявий ҳисоб", "Иқтисодий таҳлил", "Молия", "Солиқлар ва солиққа тортиш", "Пул, кредит ва банклар", "Менежмент", "Маркетинг", "Халқаро иқтисодий муносабатлар", "Суғурта иши", "Кичик бизнес ва тадбиркорлик".

### **Фан бўйича талабаларнинг билимига, уқувига ва кўникмасига қўйиладиган талаблар**

Мазкур йўналишда ўқийдиган талабалар "Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари" фани бўйича чуқур билим олиши ва етук мутахассис бўлиб етишишлари учун қуйидаги талабларни билишни зарурият қилиб қўяди:

- ҳозирги замон тараққиётида халқаро бухгалтерия ҳисобининг аҳамияти ва ўрнини;
- бухгалтерия фани иқтисодиётни ўрганишнинг асосий мезони эканлигини;
- иқтисодиётнинг турли соҳаларини самарали бошқарувида бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асос бўлиб хизмат қилишини;
- ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини тўғри белгилашни;
- ҳуқуқий давлат ёшлари, айниқса бухгалтер ва аудитор мутахассислигини эгалловчи талабалар ҳуқуқшунослик фанларини чуқур эгаллаган бўлиши лозимлигини;
- молиявий натижалар бўйича ўзларининг хулоса ва таклифларини келтиришни;
- иқтисодий сиёсатни шакллантиришда бухгалтерия ҳисоби муҳим бўғин эканлигини.

Ўқитиш жараёнида назарий билим билан амалий билимни солиштириш усулларини ташкил этиш, талабаларнинг ўқишга бўлган қизиқишларини тобора орттириб, улар учун имкон қадар мустақил билим олишига шароит яратиб бериш лозим.

## **Фанни ўқитишдаги янги технологиялар**

Талабаларга замонавий усулда "Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари" фанини ўргатиш ва уларнинг билимини баҳолаш учун қуйидагилардан фойдаланилади:

- Ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига кўчириш;
- Талабаларни аввалдан тарқатма ўқув материаллари билан таъминлаш;
- Таянч ибораларини ишлаб чиқиб, талабаларнинг уларни тўла ўзлаштиришига эришиш;
- Амалий машғулотларда ҳар бир тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш ўйинларини қўллаш;
- Иқтидорли талабалар билан қўшимча дарслар ташкил этиш;
- Талабалар билимларини ўзлари баҳолаши ва мустақил ишлаши учун шароитлар яратиб бериш.

## **Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар**

"Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари" фани талабаларга VII ва VIII семестрларида ўқитилади. Ҳар икки семестрда бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари ҳақида тушунчалар ҳамда қоидалар ўргатилади. Фанни ўрганиш маъруза ва амалий машғулот шаклида аудиторияда амалга оширилади. Ўқув жараёни рейтинг тизими асосида ташкил қилинади ва талабаларнинг ўзлаштириш даражаси ўқитувчилар томонидан баҳоланади.

## **Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича ҳажми**

Олий касб таълимнинг давлат стандартида "Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари" фанига жами 184 соат ҳажмда вақт ажратилган. Шундан, маъруза 92 соат, амалий машғулот 92 соатни ташкил этади. Маъруза ва амалий машғулот ҳамда мустақил таълим ўқитувчилар раҳбарлигида аудиторияда ўтилади.

## **2. ФАН ДАСТУРИ**

### **Маъруза машғулотларининг намунавий мавзуси**

#### **Капитал қўйилмалар (инвестициялар)ни пудратчи ташкилотлардаги ҳисобининг хусусиятлари**

Капитал қўйилмалар (инвестициялар) тўғрисида тушунча. *Капитал қўйилма (инвестициялар)лар ҳисоби олдида турган вазифалар.* Қурилишларнинг ташкилий шакллари ва уларнинг капитал қўйилмалар ҳисобини ташкил қилишга таъсири.

Капитал қўйилмаларни туркумлаш: капитал ишларнинг турлари бўйича, харажатларнинг таркиби ва капитал қўйилмаларнинг йўналишлари бўйича. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида капитал қўйилмаларни (инвестицияларни) молиялаштириш манбалари.

### **Қурилиш материалларини ҳисобга олиш хусусиятлари**

Қурилиш материалларини туркумлаш ва баҳолаш. Қурилиш материаллари, бутловчи қисмлар, конструкциялар ва бошқаларни бухгалтерияда ҳисобга олиш хусусиятлари. Тайёрлов - омбор харажатларини ҳисобга олиш ва тақсимлаш тартиби. *Материалларни омборда ва бухгалтерияда ҳисобга олиш (оператив-сальдо ва бухгалтерлик услублари)*. Очiq жойда сақланаётган қурилиш материалларини ҳисобга олиш хусусиятлари.

### **Хўжалик ва пудрат усулларида бажарилган капитал қўйилмаларнинг буюртмачидаги ҳисоби**

Хўжалик ва пудрат усулидаги капитал қўйилмаларнинг ҳисобини ташкил этиш. *Ўрнатиладиган ва монтаж қилиш талаб этилмайдиган ускуналарни ҳисобга олиш.* Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар ва бошқа асосий воситаларни ҳисобга олиш тартиби. Хўжалик усулидаги капитал қўйилмалар ҳисоби. Асосий воситаларни сотиб олиш ва қурилишнинг синтетик ва аналитик ҳисобини ташкил қилиш. Тугалланган қурилишларни ҳисобга олиш ва уларнинг инвентар қийматини аниқлаш.

### **Қурилишда пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар ҳисоби**

Қурилиш ташкилотларида пул маблағлари ва ташкилотлар ўртасида ҳисоблашишлар ҳисобининг вазифалари. Нақд пул касса муомалаларининг ҳисобини юритиш тартиби. *Банк муассасалардаги счетларни юритиш ҳисоби.* Пул эквиваленти, қўлдаги пуллар счёти, қисқа мuddатли молиявий қўйилмалар счёти.

### **Қурилиш харажатларини туркумлаш, ҳисобга олиш ва таннархга қўшиш тартиби**

*Қурилиш ташкилотларида ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш.* Тугалланмаган ишлаб чиқаришларни баҳолаш ва ҳисобга олиш. Ишлаб чиқаришда яроксиз маҳсулотни ҳисобга олиш. Қурилишда асосий ва қўшимча иш ҳақини ҳисобга олишнинг хусусиятлари, уни тақсимлаш тартиби. Давр харажатлари ва келгуси даврлар харажатларини ҳисобга олиш. *Қурилиш ишлаб чиқаришида харажатларнинг аналитик ва синтетик ҳисобини ташкил этиш, тугалланмаган ишлаб чиқаришларни баҳолаш ва ҳисобга олиш, тугалланган қурилиш-монтаж ишларининг таннархини аниқлаш.*

## **Қурилиш ташкилотларида бажарилган ишларни ҳисобга олиш. Ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тартиби**

*Бажарилган ва буюртмачиларга топширилган қурилиш-монтаж ишларини ҳисобга олиш. Тугалланган қурилиш объектларини сотиш бўйича буюртмачилар билан ҳисоблашиш. Пудратчи ташкилотларда ҳисобот тузиш ва топшириш. Йиғма ҳисоботлар.*

### **Қишлоқ хўжалиги корхоналарида бухгалтерия ҳисоби хусусиятлари**

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни қондиришда бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва вазифалари. *Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ҳисобини ташкил этишига таъсири.*

### **Қишлоқ хўжалиги корхоналарида харажатлар ҳисоби ва маҳсулотлар таннархини аниқлаш**

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг вазифалари. Ишлаб чиқариш харажатларини туркумлаш.

*Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва деҳқончилик маҳсулотлари таннархини ҳисоблаш. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва чорвачилик маҳсулотлари таннархини ҳисоблаш. ғрдамчи ва саноат ишлаб чиқаришлари харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот (иш ва хизматлар)лар таннархини аниқлаш.*

### **Қишлоқ хўжалиги корхоналарида мол етказиб берувчи, харидорлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби**

Мол етказиб берувчилар билан ҳисоб китобларни ташкил қилиш. Товар материали ва бошқа активлар бўйича тўловлар ҳисоби. Берилган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар. Даъволар юзасидан ҳисоблашишлар. Олинган бўнақлар бўйича ҳисоблашишлар. Давлат бюджети ташкилотлари билан ҳисоблашишлар. Ҳисобдор шахслар билан, таъсисчилар билан, турли хил дебитор ва кредиторлар, шўъба корхоналари, юқори ташкилотлар билан ҳисоблашишларни юритиш тартиби. Бюджетдан ташқари фондлар бўйича ҳисоблашишлар.

### **Қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш ҳисоби ўзига хос хусусиятлари**

*Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини ҳисобга олиш. Фермер хўжаликларида, деҳқон хўжаликларида харажатларни ҳисобга олиш. Пайчилик асосида ташкил этилган хўжаликларда харажатларни ҳисобга олиш.*



## **Тайёр маҳсулотлар ва уларнинг сотилишини ҳисобга олиш. Молиявий натижаларни ҳисобга олиш ва корхона ҳисоботини тузиш**

*Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қабул қилиш, саралаш, сотишга тайёрлаш ва сотиш ҳисобининг хусусиятлари. Асосий подани ташкил қилиш ва ҳайвонларни ҳисобдан чиқаришини ҳисобга олиш. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида фондлар ва молиявий натижалар ҳисоби. Молия, солиқ ва суғурта ташкилотлари билан ҳисоблашишлар. Йиғма ҳисоботлар. Молиявий ҳисоботлар таркиби. Ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тартиби. Молиявий ҳисоботни тўлдириш тўғрисидаги ҳисоб сиёсати.*

### **Савдо-тижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби хусусиятлари**

*Бозор иқтисодиётига ўтишда тижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари ва уларнинг вазифалари. Улгуржи савдо корхоналарида товарларни ҳисобга олиш. Омборларда, базаларда ва бухгалтерияда товарларни ҳисобга олиш. Товарларни истеъмолчиларга ва воситачиларга сотиш муомалалари. Савдо устамаси ва савдо қўшимчасини ҳисобга олиш тартиби. Муомалаларда транзит усулида товарлар айланишини ҳисобга олиш. Чакана савдода сотиш муомалаларининг шакллари. Синтетик ва аналитик ҳисобни ташкил қилиш. Касса муомалаларининг хусусиятлари.*

### **Муомала харажатларини ва молиявий натижаларни ҳисобга олиш**

*Савдо ташкилотларида муомала харажатларини ҳисобга олиш, уларнинг таркиби. Меҳнатни ташкил қилишнинг шакллари ва унга ҳақ тўлаш. Бухгалтерия ҳисобини юритиш жараёнларини автоматлаштириш. Муомала харажатларини сотилган ва омборда қолган товарлар қийматида қўйиш тартиби. Савдо ташкилотларида бюджет ташкилотлари билан ҳисоблашишларнинг ўзига хос хусусиятлари. Савдо корхоналарида ҳисобот тузиш. Ҳисоботлар таркиби: бухгалтерия баланси, молиявий натижаларни шакллантириш, асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот ва ҳисоботга иловалар, тушунтиришлар, изоҳлар.*

### **Транспорт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари**

*Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабат билан транспорт ташкилотларида бухгалтерия вазифалари. Асосий воситалар ҳисоби, ҳаракатдаги таркибни ҳисобга олиш хусусиятлари. Асосий воситалар амортизацияси ҳисоби.*

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш, юк, бажарилган иш ва хизматларнинг таннархини ҳисоблаш. Лизинг муомалалари ҳисобининг хусусиятлари. Асосий воситаларни ижарага олиш ва ижарага бериш ҳисоби. Юқларни мамлакат ичида ва мамлакатлараро ташилганда сарф қилинадиган харажатлар ва бу борадаги ҳисоблашишларнинг турлари. *Транспорт ташкилотларида фондлар ва молиявий натижаларни ҳисобга олишнинг хусусиятлари.*

#### **Транспорт ташкилотларида капитал фондлар, молиявий натижалар ҳисоби**

*Капитал, унинг таркиби (устав, қўшилган, резерв). Капиталнинг транспорт корхоналарида туганган ўрни ва ҳисобнинг вазифалари.* Капитални ташкил қилиш манбалари, устав капиталининг манбаи, қўшилган капиталнинг манбаи, резерв капиталнинг манбаи. Молиявий натижаларни аниқлаш ҳисоби; асосий фаолиятдан олинган молиявий натижалар, умумхўжалик фаолиятдан олинган молиявий натижалар. Солиқ тўлагунга қадар фойдани аниқлаш ҳисоби. Соф фойдани аниқлаш ва тақсимлаш тартиби.

### **3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ НАМУНАВИЙ МАВЗУСИ**

#### **Капитал қўйилмалар (инвестициялар)ни пудратчи ташкилотлардаги ҳисобининг хусусиятлари**

Капитал қўйилма(инвестициялар)лар ҳисоби олдида турган вазифалар\*. Қурилишларнинг ташкилий шакллари. Капитал қўйилмаларни туркумлаш: капитал ишларнинг турлари бўйича харажатларнинг таркиби ва капитал қўйилмаларнинг йўналишлари бўйича\*. Капитал қўйилмаларни (инвестицияларни) молиялаштириш манбаалари.

#### **Қурилиш материалларини ҳисобга олиш хусусиятлари**

Қурилиш материалларини туркумлаш ва уларни баҳолаш\*. Қурилиш материаллари, бутловчи қисмлар, конструкциялар ва бошқаларни бухгалтерияда ҳисобга олиш хусусиятлари\*. Материалларни омборда ва бухгалтерияда ҳисобга олиш(оператив-сальдо ва бухгалтерлик услублари). Очик жойда сақланаётган қурилиш материалларини ҳисобга олиш хусусиятлари.

#### **Хўжалик ва пудрат усулларида бажарилган капитал қўйилмаларнинг буюртмачидаги ҳисоби**

Хўжалик ва пудрат усулида капитал қўйилмалар ҳисобини ташкил этиш\*. Хўжалик усулидаги капитал қўйилмаларнинг ҳисоби\*. Тугалланган қурилишларни ҳисобга олиш ва уларнинг инвентар қийматини аниқлаш.

### **Қурилиш харажатларини туркумлаш, ҳисобга олиш ва таннархга қўшиш тартиби**

Қурилиш ташкилотларида ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш\*. Қурилишда асосий ва қўшимча иш ҳақини ҳисобга олишнинг хусусиятлари, тақсимлаш тартиби. Давр харажатлар ва келгуси даврлар харажатларини ҳисобга олиш\*.

### **Қурилиш ташкилотларида бажарилган ишларни ҳисобга олиш. Ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тартиби**

Бажарилган ва буюртмачиларга топширилган қурилиш-монтаж ишларини ҳисобга олиш\*. Пудратчи ташкилотларда ҳисобот тузиш ва топшириш\*. Йиғма ҳисоботлар бўйича ҳисобот шакллари тўлғазилади.

### **Қишлоқ хўжалиги корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари**

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни қондиришда бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва вазифалари\*. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ҳисобини ташкил этишга таъсири ўрганилиб семинар дарслари ўтказилади.

### **Қишлоқ хўжалиги корхоналарида харажатлар ҳисоби ва маҳсулотлар таннархини аниқлаш**

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва ўсимликчилик маҳсулотлари таннархини ҳисоблаш\*. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва чорвачилик маҳсулотлари таннархини ҳисоблаш\*. ёрдамчи ва саноат ишлаб чиқаришлари харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот(иш ва хизматлар)лар таннархини аниқлаш.

### **Қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари**

Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини ҳисобга олиш\*. Фермер хўжаликларида, деҳқон хўжаликларида харажатларни ҳисобга олиш.

### **Тайёр маҳсулотлар ва сотишни ҳисобга олиш. Молиявий натижаларни ҳисобга олиш ва корхона ҳисоботини тузиш**

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қабул қилиш, саралаш, сотишга тайёрлаш ва сотиш ҳисобининг хусусиятлари\*. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида фондлар ва молиявий натижалар ҳисоби. Молия, солиқ ва суғурта ташкилотлари билан ҳисоблашишлар. Молиявий ҳисоботлар ва унинг таркиби.

### **Савдо-тижорат ташкилотларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари**

Улгуржи савдо корхоналарида товарларни ҳисобга олиш. Товарларни истеъмолчиларга ва воситачиларга сотиш муомалалари. Муомалаларда транзит усулида товарлар айланишини ҳисобга олиш. Синтетик ва аналитик ҳисобни ташкил қилиш.

### **Муомала харажатларини ва молиявий натижаларни ҳисобга олиш**

Савдо ташкилотларида муомала харажатларини ҳисобга олиш, уларнинг таркиби\*. Савдо ташкилотларида бюджет ташкилотлари билан ҳисоблашишларнинг ўзига хос хусусиятлари. Ҳисоботлар таркиби: бухгалтерия баланси, молиявий натижаларни шакллантириш, асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот ва ҳисоботга иловалар, тушунтиришлар, изоҳлар.

### **Транспорт ташкилотларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари**

Транспорт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг вазифалари\*. Асосий воситалар ҳисоби, ҳаракатдаги таркибни ҳисобга олиш хусусиятлари.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш, юк, бажарилган иш ва хизматларнинг таннархини ҳисоблаш. Транспорт ташкилотларида фондлар ва молиявий натижаларни ҳисобга олишнинг хусусиятлари бўйича аниқ транспорт ташкилотлари мисолида ҳисобот шакллари тўлғазишлади.

## **4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА- НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ**

"Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари" фанини ўрганувчи талабалар аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш учун кафедра ўқитувчилари раҳбарлигида мустақил таълим оладилар. Мустақил таълим олиш учун талабаларга кафедра ўқитувчилари томонидан мавзулар берилди. Шунингдек, бухгалтерия ҳисобини ўрганиш билан бирга хўжалик юритувчи субъектларда амалиёт ўтайдилар. Институтни тугатишда белгиланган амалиётлардан, хўжалик юритувчи субъектларнинг материалларидан фойдаланиб малакавий иш ёзади. Мустақил таълим мавзулари ва топшириқлари ўқитувчилар томонидан тавсия қилинади.

"Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари" фанини ўрганишда талабалар ушбу фан бўйича қўлланиладиган амалий ёрдам тариқасида турли шаклдаги, чизмалар, слайдалар билан таъминланади.

Талабалар ахборот воситаларидан яъни интернет тизимидан, жумладан, куйидаги сайт ва электрон почталардан фойдаланиш мумкин:

1. <http://www.apb.org.uk> (Auditing Practices Board);
2. <http://www.nao.gov.uk> (UK National Audit Office);
3. <http://www.iaa.org.uk> (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom);
4. <http://www.iasc.org.uk> (International Accounting Standards Committee);
5. <http://www.aicpa.org/index.htm> (American Institute of Certified Public Accountants).

Шунингдек, талабалар Республикамизда чоп этилган газета ва журналлардан фойдаланадилар.

## **5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ**

Ушбу фан бўйича ўқув режасида жами 276 соат дарс ўтиш режалаштирилган бўлиб, шундан 92 соат маъруза, 92 соат амалий ва семинар дарслар ҳамда 92 соат мустақил таълим. Ўқув жараёни давомида талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл 276 га тенг бўлиб, шундан жорий баҳолашга 110,4 балл, оралик баҳолашга 82,8 балл ва якуний баҳолашга 82,8 балл ажратилади. Ёзма иш вариантлар бўйича тузилиб, у ўқув дастурига тўлиқ мос келиши таъминланади.

Ёзма иш вариантларини баҳолаш мезонлари кафедра мажлиси баённомалари билан тасдиқланади.

## **6. АДАБИЁТЛАР**

### **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари, - Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1996 йил 30 август. // "Халқ сўзи" газетаси, 1996, 12 сентябрь.
4. "Маҳсулотлар(ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқиш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғриси"да Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини 1999 йил 5 февраль 54-сонли қарори).
5. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 1997 йил 15 январь 5-сонли буйруғи (Йиллик ва ярим йиллик ҳисоботларни тўлдириш тўғрисида).
6. "Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари"(БҲМС). Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги. – Т.: 1998.

7. Воҳидов.С. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари, - Т.: Меҳнат, 1993.
8. Сотиволдиев.А.С. Иткин.Ю.М. Замонавий бухгалтерия ҳисоби (Янги счётлар режаси асосида), ПБ ва АА-2002 йил. 1-2 том.
9. Ризакулов.А.А. Фермер хўжаликларда бухгалтерия ҳисоби, - Т.: Фан, 1998.
10. Власов.В.М. Бухгалтерский учет в торговле, - М.: Финансы и Статистика, 1996.
11. Ғуломова. Ф. Бухгалтерия ҳисобидан қўлланма. - Т.: Меҳнат, 2001.

#### **Қўшимча адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, - Т.: 1997.
2. Фрэнк Вуд. Бухгалтерский учет для предпринимателей. - М.: О.Аскери.1996.
3. Сотиволдиев.А.С. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. - Т.: Меҳнат. 1991.
4. Энтони. Р., Рис. Дж. Учет: ситуации и примеры": (пер с англ). - М.: Финансы и статистика, 1993.
5. Гадоев Э. "Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари" Ўзбекистон Республикаси Молиявий Қонунлари. 1999 йил 2-сон.
6. "Бозор, пул ва кредит" журналининг 2000-2003 йил сонлари.
7. "Солиқ ва божхона хабарлари" газетасининг 2000-2003 йил сонлари.
8. "Ўзбекистон Республикаси Молиявий Қонунлари" Ахборотномасининг 1999-2003 йил сонлари (Иловалар билан бирга).
9. Янги счётлар режаси. ПБ ва АА-2002 йил.
10. Fremgen F.M. Accounting for managerial Analysis: Third Edition. Richard D. Irwing Inc., Homewood, Illions,1996.
11. Kenneth M. Morris & Allan M. Siegel. Guide to understanding money & investing. 2000 by lightbulb, press, Inc.
12. Securities Regulation in THE Unite States. NASD. Washington-2000.